

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences

МАРДИЕВ БЕГАЛИ ХУДОЙКУЛ ЎҒЛИ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗХОР ГАПЛИ ҚУРИЛМАЛАР
СИНОНИМИЯСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Мардиев Бегали Худойкул ўғли

Ўзбек тилидаги изхор гапли қурилмалар синонимиясининг функционал-
семантик таҳлили 3

Мардиев Бегали Худойкулович

Функционально-семантический анализ синонимии структуры
изяснительного предложения в узбекском языке 25

Mardiyev Begali Xudoykulovich

Functional-semantic analysis of explanation sentence structure synonymy
in the Uzbek language 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03./30.12.2019 FiL02.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРДИЕВ БЕГАЛИ ХУДОЙҚУЛ ЎҒЛИ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗХОР ҒАПЛИ ҚУРИЛМАЛАР
СИНОНИМИЯСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Fil783 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида bajarилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net/uz)да joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:	Юлдашев Мусо Муҳаммадвеч филология фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Ўришбаева Дилбар Батаровна филология фанлари доктори Бахриддинова Баторат Мадина филология фанлари доктори
Етажчи таъкидат:	Алишер Навоий номлидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация хизмат Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «09» «09» куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзи: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хабони, 15. Тел: (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув битвоси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзи: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хабони, 15. Тел: 239-11-40; 239-18-92 факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» сентябрь куни тарқатилди
(2021 йил « 28 » сентябрь даги 44 рақамли реестр битвоси).



М.К. Муҳаммадов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Х.А. Аслинова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), филол. ф.и

А.Э. Маматов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
комиссияси илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний синтактик муносабатларнинг ўзига хос томонларини ўрганиш, гапга тенг тузилмаларнинг функционал-семантик ва структур-семантик жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Синтактик тузилма инфодалийдиган маъно унинг компонентлари орасидagi ўзаро семантик-грамматик таъсир натижасида шаклланиши ва бунинг натижасида ҳар бир компонентнинг семантик белгиларига асосланиш оддий компонентларидан фарқи равишда мураккаб гапни ташкил қилувчи предикатив комплексларни ўртага чиқариши каби масалаларни замонавий меъёрий усуллар билан текшириш бу йўналишда шу вақтгача амалга оширилган тахсиллар ракурсини кенгайтиришга, келгусида бажариладиган изланишларга янги йўналишлар очиб бериш нуктаи назаридан муҳимдир.

Дунё тилшунослиги тажрибасида гапнинг когнитив схемаси, уларнинг синтактик-семантик юктамалар ташини, гап компонентларининг семантик роли, синтактик тузилмадаги бирликларнинг лексик, морфологик хусусиятларини ҳамда уларда юз берган маъновий ва шаклий ўзгаришларнинг лисоний, нутқий хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш катта илмий қийматга эга эканлиги қайд этилади. Жумладан, ихчор қурилмаси (ИК) гапнинг синтактик тузилмаси унинг структур-композицион белгилари ҳамда семантик мазмунининг аёнлигини далиллайди. Шу билан бирга, ихчорли қўшма гапларга семантик-структур ва функционал-синтактик жиҳатдан ёндашув уларнинг структур-семантик хусусиятларини, шакл ва мазмун мутавозиллигини атрофлича тадқиқ этинишга қўмақлашади ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда ўзбек тилшунослиги сўнги йилларда ўзбек тили мазмуний синтаксисини формал-функционал ёндашувларга асосан ёритишда катта муваффақиятга эричди. Бинобарин, «бутунги глобализув дaврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада янвало ўз маданиятини, азамий кадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий»¹. Жумладан, ихчорли эрган гапни қўшма гап каби синтактик тузилмаларнинг синонимик муносабатларини функционал-семантик ва функционал-синтактик ёндашувларга асосланган ҳолда жаҳон тилшунослигининг илгор усуллари билан тадқиқ этини зарурати мавжуд. Ҳолбуки, ихчорли қурилмалар структур-семантик типларини ва улар орасидаги синонимик муносабатларни систем тилшунослик нуктаи назаридан тадқиқ қилиш муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Ўзбек тилидаги ихчор гапни қурилмалар синонимиясининг функционал-семантик тахлили бутунги замонавий тилшунослик ёндашувлари асосида тахлил қилиш тилшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалар ечимини таъминлайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари йўналиши. – Тошкент, 2019. – Б.39.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни илғимий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-миърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX-асрнинг 30-90-йилларида ва айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек тилининг туран сатҳларини ўрганиш бўйича қўшлаб тадқиқотлар амалга оширилди, тилимизнинг синтактик сатҳидаги ўзига хос хусусиятларини очиб бериш бўйича катта ишлар қилинди. Жумладан, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб тилшуносликда синтактик ҳодисаларни тадқиқ этишда структур-семантик методи қўлланишга кўп эътибор қаратила бошланди. Улар учун синтактик структураларнинг ўз шакли ва ўз мазмунига эгаллиги синтактик муносабатларнинг ўзига хос томонларини тушунишда умумий тамойилга айланди². Аммо тўласича структур-семантик ёндашув ёки метод ўзбек

²Фитрат А. Ўзбек тили шакллари тўғрисида бир таъриб. Сарф. Наҳв. Фитрат А. Таълиқан асарлар. IV жилд. – Т., 2006. – Б.140-213; Касонова А.Н. Грамматика современного литературного узбекского языка. – М.–Л., 1960; Аскарлова М. Ҳолнинг замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Т., 1960; Аскарлова М. Ҳолнинг ўзбек тилида эрганиш формалари ва эрган гапларнинг турлари. – Т., 1966; Абдураҳмонова Г. Қўшма гап синтаксиси. – Т., 1964; Абдураҳмонов Г. Исследования по старобухарскому синтаксису (XI век). – М., 1967; Гулониов А., Аскарлова М. Ҳолнинг ўзбек тили. Синтаксис. – Т., 1965; Иванюк С.Н. Редупликация древних тюркских глаголов (Грамматический очерк). – Т., 1969; Рахимова С. Болганган қўшма гаплар. – Т., 1969; Сайфуллаев А. Ҳолнинг ўзбек адабий тилида илғимий таъриб. – Т., 1972; Рахимова Н. Ҳолнинг ўзбек адабий тилида бир составни гаплар. – Т., 1974; Ўзбек тили грамматикаси. II том. – Т., 1976; Абдуллаев А.Б. Ҳолнинг ўзбек адабий тилида ўзга гапларнинг инфо формалари. – Тошкент, 1983; Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т., 1984; Ишмаилов Х. и др. Структура предложения и актуальное восприятие синтаксиса простого глагола // Тезисы формально-функционального исследования // Советская периклология. – Баку, 1984. – №5. – С. 5-10; Нуритонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. – Т., 1988; Мамажонов А. Қўшма гап синтаксиси. – Т., 1990; Бердалиев А. Эрган гапни қўшма гап конструкцияларида семантик-синтактик парадигматика. – Т.: Фан, 1989; Бердалиев А. Семантик-синтаксис парадигматика и синтаксисосе отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. АДД. – Т., 1989; Бердалиев А. Ўзбек тилида оғзини моделли эрган гапни қўшма гаплар. – Т.: Фан, 1990; Нуритонов А., Махмудов Н., Адҳамов А., Солтсжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т., 1992; Махмудов Н., Нуритонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Т., 1995; Курбонова М. Ҳолнинг замон ўзбек тили (содда гап синтаксиси). – Т., 2002; Луффуллаева Д.Э. Гапни семантик-синтактик қоплаштириш муаммолари. – Т., 2005; Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг композицион (актуал) тузиллиги: Филол. фанлари номиди ... дис. авторф. –

тишлунослигида, умуман кенг маънода туркийшуносликда эндигина ўз йўлини тоямоқда. Бунга мисол тариқасида М.А.Абдуразаков (1978), И.Х.Ахматов (1983), К.М.Абдуллаев (1983; 1984), Р.Г.Сабатов (1984)ларнинг китоблари ва диссертацияларини, улар орасида А.Нурмонов (1982; 1983), Д.М.Насилов (1983), Н.М.Махмудов (1984), А.Б.Абдуллаев (1979; 1984), А.Н.Нурмонов ва Н.Махмудовларнинг (1995) ўзбек тили синтаксисига бағишланган китоб ва мақолаларини келтириш мумкин.

Аммо шунга қарамай, синтаксисдаги изҳорли қурилмалар ва синтактик синонимия туркийшунослик учун янги мавзу бўлиб, бу борада проф. Р.Р.Сайфуллаева ва бошқаларнинг³ айрим ишларигина амалга оширилган, ҳоло. Ушбу ҳоли қоникарли деб бўлмайди. Ўзбек тили синтаксиснинг бу йўналишга оид қўлаб масалаларига аниқлик киритилмай қолмоқда. Буларнинг бирчаси изҳорли қурилмалар ҳамда улар ўртасидаги синонимик муносабатни чуқур таҳлил қилувчи тадқиқотга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тили дугавий ва грамматик бирликларнинг функционал-прагматик ва когнитив-услубий таҳлили масалалари» (№А-1 2016-2020 йй) асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида изҳорли қурилмаларнинг шаклланиши, уларнинг лексик-семантик ва шаклий-денотатив дифференциацияси, изҳорли қурилмалар компонентларининг семантик-синтагматик алоқалари, изҳорли қурилмалар синонимиясининг семантик-структур ва функционал-семантик муносабатларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изҳорли эргашган қўшма гапларнинг қўшмача ивобатан мураккаб синтактик тузилмалар таркибига кириши, изҳорли қурилмалар гапда гапнинг иккинчи даражали бўлаги вазифасида келиши масаласини ёритиш;

изҳорли эргашган қўшма гапнинг номинатив шаклдаги изҳорловчи компонент ўз предикати изҳорланаётган предикатга ивобатан субъект мақомида бўлган препозицион-аналитик шаклда, изҳорловчи компонент изҳорланувчи предикатга ивобатан объект мақомида бўлган постпозицион-аналитик ва анафорик ҳамда компонентларнинг боғловчили алоқасини текшириш;

изҳорли қурилмаларда парадигматик ўзгаришларнинг таянч сўзнинг синтактик роли ўзгариши ва предикатив синтагмалардан изҳорланаётган қисм аниқловчили ёки ҳолли оборот бўлиши, структур-семантик ўзгаришнинг тобе синтагмада юз бериши натижасида предикатикликдан атрибутив ёки номинативга айланиши ҳамда бунда изҳорли қурилма компонентлари орасидаги алоқа усулларининг структур раёмиёлашувини ёритиб бериш;

препозицион-объектли, постпозицион-аналитик ва анафорик изҳорли қурилмаларда изҳорловчи бўлак изҳорланувчи ўзимли феълнинг объектли валентликланиши тўддириши ва препозицияда предикатив муносабатларнинг илчамланиши ва синтетик кўрсаткичлар (хелишклар) олишининг синтактик семантик механизмини очиб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида эргаш гапга қўшма гап хусусидаги туркологиядаги қарашларга муносабат, ўзбек тилида ИҚни шакллантирувчи предикатларнинг таснифи, ИҚ қурилишининг структур-грамматик аспекти.

Тадқиқот предмети изҳорли гап қурилмасининг функционал-семантик таҳлили таъкил этади.

Тадқиқот усуллари. Интерпретация, тавсифлаш, қислаш, синхрон ёндашув, когнитив, контекстуал, субстанциал, дискурсив, синтактик ва синтагматик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

объектив воқеликнинг хабар объектига айланмаган хабар қандай вазиятни фикрий, хиссий ўзлаштириш, баҳолаш ва шу қабилар изҳорлаш мазмунини фойдаланиши ҳамда изҳорловчи қисм ҳаракат, жарвён, ҳолат, сифат, борликда жойлашиш ўрни, самарадорлик, натижа, диниллар мажмуаси, уларнинг ўзаро алоқаси каби ҳар хил предикатлардан иборат бўлиши асосланган;

изҳорли предикатнинг семантик имкониятларининг намоён бўлиши унинг структур-грамматик асоси бўлган таянч сўзларнинг лексик-семантик табиати ва шаклланишига қараб белгиланиши, уларнинг лексик-семантик (валентлик) ва грамматик хусусиятлари изҳорланаётган қисмга семантик-синтактик жиҳатдан боғлиқлиги очиб берилган;

изҳор предикатлари хабар - айтиш, маълум қилиш, сўраш, идрок - ҳиссий эшитиш, кўриш, ёки тафаккурга оид билиш, тушуниш, хис-туйғу, эмоцинал реакция - қувонил, эмоцинал кечинма - қўрқил, эмоцинал муносабат - ёктириш, билиш, ўйлаш, баҳо бериш - яхши, ёмон, оз, кўп, сизил, қийил, турмуш ва намоён бўлиш, истақ, имконият, эҳтиёж ва муқаррарлик каби семантик-структур компонентлардан иборат эканлиги аниқланган;

изҳорли қурилмаларнинг турли кўринишлари синтетик, аналитик шакли каби структур-семантик тишларининг лексик, грамматик, лексик-синтактик модификациялари трансформациялар туфайли ҳосил бўлиши ҳамда изҳорли предикатларнинг функционал-семантик, функционал синтактик синонимияси ядровий структуралар грамматик трансформацияси ва синтактик перифразланиши қатори бўйича синонимиялардан иборат эканлиги

Фароқи, 2004; Луффуллаева Д.Э. Гапни семантик-синтактик қосиллаштириш муаммолари. – Т., 2005; Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (асуал) тузиллиги: Фиккл, факлари номзоди ... дис. авторф. – Фароқи, 2004; Манаженов А., Тешабоев Д. Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи муносабатлар - <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1056&context=fdu> (апрел, 2019)

³Луффуллаева Д.Э. Гапни семантик-синтактик қосиллаштириш муаммолари. – Т., 2005; Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (асуал) тузиллиги: Фиккл, факлари номзоди ... дис. авторф. – Фароқи, 2004; Манаженов А., Тешабоев Д. Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи муносабатлар - <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1056&context=fdu> (апрел, 2019)

далиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Изҳорли қурилмаларнинг шаклланиши ва трансформациясининг турли кўринишларини, тилдаги изҳорли қурилмалар предикатларининг изҳорли қурилма синонимиясини ва уларнинг семантик-синтактик структураларини ҳосил қилишдаги роли очиқ берилган;

изҳорли қурилманинг аниқловчи ва изохловчи эргаш гаплардан фарқи очиқ берилди ва унинг жараёндаги шаклий ўзгаришлари таърифлаб берилган;

изҳорли қурилмаларда тобе қурилмадаги кесимнинг у ёки бу шакли (туғалланган ёки аксенгча, инфинитив шакл – сифатдош, равишдош ёки келиш шаклидаги ҳаракат номи) тобе қурилмада боғловчи элемент роли (боғловчи тармоқлари) учун унинг формал мослигини (деформация, трансформация) даражаси кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши исботланган;

изҳорли қурилмаларда формал-синтактик ва семантик алоқалар препозицион-субъектли изҳорли қурилмалар, присубъектли изҳорли қурилмалар, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ролидаги изҳорли қурилмалар, изҳорли қурилмаларда изҳорловчи қисм воситасида, изҳорловчи – (ёйиқ гапли) кенг қурилмалар, изҳорловчи қурилмалар перифразалари, перефразалар-кенгайиш каби ҳоллар билан ҳам шартланган ҳолатлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадний манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қисқалаш, фалсафий-гносеологик, контекстуал, субстанциал, дискурсив таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги олинган натижаларнинг заковатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур натижаларнинг туркий тилшунослик, Ўзбек тилшунослиги, синтаксис, функционал семантика ва функционал синтаксис, когнитив тилшунослик, услубшунослик, нутқ маданияти йўналишларида амалга ошириладиган янги тадқиқотлар учун илмий манба бўла олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларидан олий таълимда «Ўзбек тили синтаксиси», «Ҳозирги Ўзбек тили», «Қўйма гап синтаксиси», «Ўзбек услубшунослиги», «Когнитив тилшунослик» каби курсларни ўқитиш ҳамда шу фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги изҳор гапли қурилмалар синонимиясининг функционал-семантик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

сўз ясалishi ва синтаксис масалаларини таҳлил қилишда изҳорловчи предикатнинг структур-грамматик асоси бўлган таянч сўзларнинг лексик-семантик табиати, грамматик хусусиятлари тўғрисидаги хулосалардан 2017-

2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалishi» фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 89-03-3359-сонли маълумотномаси). Натижада сўз ясалishi маъно уйғунлиги масалаларини таҳлил қилишда назарий асос мустаҳкамланган;

Туркий тиллар синтаксисиде изҳорли қурилманинг ўрни, изҳорли гап, тушунтириш гапи, эслатма, изох, изохловчи, изохли, шарҳли, изохли гап, изҳорлаш муносабати, изохли қурилма каби терминларнинг ҳосил бўлиши ва изохланишидан 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 “Тил таракқиётининг деравацион конуниятлари” фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (2020 йил 11 сентябрдаги 1419/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада изҳорли гап, тушунтириш гапи, эслатма, изох, изҳорлаш муносабати, изҳорли қурилма сингари терминларнинг ҳосил бўлиши ва изохланишининг конкретлашишига эришилган.

объектив воқеликнинг хабар объектига айланадиган ҳар қандай вазияти фикрий ёки ҳиссий ўзлаштириш, баҳолаш сингариларда изохлаш мазмуни бўлиши туфайли изҳорловчи предикатларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш юзасидан олинган хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-78 рақамли «Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбек тили, унинг тарихий таракқиёти ва истикболлари (вазифавий услублар таҳлили асосида)» фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-3745-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари идрок предикатлари, ашборот предикатлари, билим ва тафаккур предикатлари, баҳоловчи таваифловчи семантик предикатлар, модат предикатларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг ўзига ҳосиллигини ифодалашга оид назарий фикрларнинг ривожланишига асос бўлган;

Ўзбек тилида изҳорли қурилмаларнинг шаклланиши, уларнинг лексик-семантик ва шаклий-денотатив дифференцияси, изҳорли қурилмалар компонентларининг структур ва функционал-семантик муносабатларни ёритиб беришда Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом Самарқанд», «Таълим ва таракқиёт» каби ўқув-маърифий ҳамда илмий-оммабоп телекўрсатувларида фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 5 октябрдаги 09-01/300-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар янги манбалар воситасида тўлдирлиб илмий-оммабошлиги таъминланган ҳамда илмий янгиликлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола (уларнинг 4 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 1 таси Scopus базасидаги халқаро

илмий журналда, 2 таби хорижий журналларда ва 5 та бошқа журналларда chop қилинган мақолаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Туркий тиллар синтаксисида изҳорли қурилманинг ўрни: масаланинг назарий аспекти**» деб номланган бўлиб, унда тадқиқот учун терминлар танлан, изҳорли қурилманинг лисоний мақоми ҳамда туркология ва ўзбек тилшунослигида изҳорли қурилманинг ўрганилиши ҳақида сўз қилилади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида алоҳида икки синтактик ҳодисани – изҳорловчи қурилма ва изҳорли қурилмаларни фарқлашда ҳали ягона фикрга келинмаган, бошқа тарафдан, изҳорли қурилманинг структур-семантик типларини ва уларнинг синонимик муносабатларини ўрганиш амалга оширилмаган. Синтаксисга оид тадқиқотларда «изҳорли гап» термини мавжуд бўлиб, ортидан «тушунтириш гапи» маъносини кўйишни тақозо қилади. Бу «тушунтириш», юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 1) сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ва б.ға бериладиган тушунтириш, шарҳ, тавсиф (мас., сўз маъносининг изҳори, қонун моддасининг изҳори, шарҳи); 2) матннинг айрим жойига киритилган ёки айрим масалага берилган қўшимча маълумот, тушунтириш, эслатма, уқтириш⁴. «Эслатма, изҳор», шунингдек, «бошқа сўзлар билан аталганларнинг мазмунини очиш» билан боғлиқ. Айван шу қаторда изҳорловчи термини мавжуд бўлиб, у «шахс ёки предмети бошқа бир ном бериш йўли билан аниқлаб келадиган бўлақ»⁵ маъносини аниқлатади. Бундан фарқи равишда изҳорлаш муносабатининг ўзига хос томони шундаки, унда изҳорлаш маъноси предмет эмас, балки предметсиз моҳият: кимга ёки нимагадир тааллуқли бўлган⁶, умумий тарзда вазият дейиш мумкин бўлган қандайдир предмет, воқеа ёки факт ҳисобланади. Табиийки, изҳорлаш муносабати икки вазиятнинг қўшилишидан пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири оз ёки кўп даражада ифодаланган предикатив структурага эга. Шу сабабли «тушунтириш» берадиган, аниқладиган, тушунтирувчи, изҳорловчи,

изҳори, шарҳли» маъноларини беришда лингвистик атама сифатида қўлланиладиган «изҳорловчи» тушунчаси билан бир қаторда «ифодалан, изҳор қилиш» маъноларини билдирувчи изҳор сўзини қўллашни тақлиф қиламиз, изҳор этиш, билдириш сингарилар изҳор моҳиятини ва мазмунини ифодалаш заруриятини ақс эттиради. Изҳорлаш муносабатининг ўзига хос томони шундаки, изҳорлаш маъноси предмет эмас, балки предметсиз моҳият: кимга ёки нимагадир тааллуқли бўлган⁶, умумий тарзда вазият дейиш мумкин бўлган қандайдир предмет, воқеа ёки факт ҳисобланади. Табиийки, изҳорлаш муносабати икки вазиятнинг қўшилишидан пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири оз ёки кўп даражада ифодаланган предикатив структурага эга. Шу сабабли мазкур ҳолат билан боғлиқ синтактик структураларни изҳорли қурилма деб аташ мақсадга мувофиқдир. Изҳор муносабати шаклланаётганда структур-маъновий мураккабланиш изҳорли қурилманинг нафақат изҳорланувчи қисмда, балки изҳорловчи қисмда ҳам юз бериши мумкин. Масалан: *Сизлар айтинглар, турслик, шунча ётсанг отар* (К.Яшн).

Туркий тилларнинг полипредикатив тузилмаларини таснифлаш ва турларга ажратиб аниқлаш таҳминан XX асрнинг 20-йилларида пайдо бўлди. Шу вақтга қадар барча сифатдош, равишдош ва феълан-отли қурилмалар «эргаш гаплар» сифатида қаралди. Бу нукта назар туркий тиллардаги синтактик ҳодисалар табиатига аниқ мантикий ёндашувга асосланган эди. Туркий тилларда полипредикатив қурилмаларнинг синтаксисдаги мақоми ва унинг воқеланиш усуллари Ж.Дени, Н.К.Дмитриев, А.П.Понделуевский ва Н.П.Дыренковларнинг исхонидаги номинвал қурилмалар эргашган қўйма гаплардан қатъий ажратилмаган. В.Г.Аджони, А.Н.Копонов, Ғ.Абдурахмонов, Э.А.Грунина, Н.А.Баскаков, С.Н.Иванов, Э.В.Севортяларнинг синтактик концепцияларида ишчи ўрганилган ҳамда ҳар бир олим ўз тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда номинвал қурилмаларнинг моҳиятини турлича ифодалаган. Туркий тиллар полипредикатив қурилмаларини формал-функционал тушунишда Ж.Дени ҳал қилувчи қадамни қўйди. У(1) *Çoban bilirki ev yandı* и (2) *Çoban eviñ yandigini bilir* каби жумлаларни қатъий чегаралади: иккинчи ҳам маъносига кўра: *чўпон билдики, уйи ёнди* гапни ҳисобга олсак, биринчи гап бош ва тобе гапдан иборат бўлеа (иккала гапларнинг эгаси ҳам бош келишида, предикатлари финит шаклда), иккинчи гапни Ж.Дени «квази» гап деб қараган. Ж.Денининг фикрича «квази» гапнинг предикати феълнинг финит ёки отлашган шаклида бўлиш қарак. Агар предикат феълнинг финит ёки отлашган шаклида бўлиб, ўз эгаси бўлмаса, қўйидаги мисолдаги каби иборали қурилма бўлиб қолади: *rien ne sert de courir, il faut partir a point* (*қочсандан кўра ўз вақтида кетили керак*).

А.П.Понделуевский тобе гапларнинг ўзига хослиги уларнинг бош гап билан формал боғланишида, деб кўрсатади. Яъни бутун гапга тегишли, номинвал хусусиятга эга бўлган формал кўрсаткичга эгаллигидадир. Европа тилларида эса тобе гапни бош гап билан боғлашдаги формал кўрсаткич

⁴Ўзбек тилининг изҳори луғати. 2-қилд. – Тошкент: «Ўзбекистон тили» энциклопедикси/Давлат тилини нашриёти, 2006. – Б.183.

⁵Ўзбек тилининг изҳори луғати. 2-қилд. – Тошкент: «Ўзбекистон тили» энциклопедикси/Давлат тилини нашриёти, 2006. – Б.184.

⁶Дружина Н.Д. Об объекте обшей оценки // Вопросы языкознания, 1985, №3. – С.13.

ердамчи сўзлардир. Айтиб ўтилгандек, туркий тиллардаги тобе гаплар ўзларининг барча бўлаклари билан синтактик нукта назардан чамбарчас боғланганлиги учун алоҳида лексик birlikлар сифатида қабул қилиниши мумкин⁷. Ушбу олимларнинг бу масалада қарашлари ўзаро мувофиқ келсади, айрим деталарни тавсифлашда анча фарқланади.

Мазкур масалани систем тилшунослик нуктаи назаридан ёндашилган ҳолда ёритган Р.Сайфуллаева нукта қўлланиладиган барча гап турлари тил жамоаси изоляларининг онг ва тафаккурида шакланган минглаб қопилларнинг маълум дугавий қуршов ва нукт шароитида воқеланиши натижаси, деб кўрсатади. Маълумки, деб ёзади олимпиа, нуктимизда берилган ва аънавий синтаксисимизда атрофича таҳлил этилган гап, унинг шакл ва вазифа турлари тил сатҳида, онгимизда мавжуд бўлган умумийликнинг, гап энг кичик қилиниши турли дугавий қуршов ва нукт шароитларида минглаб муайян шаклларда юзага чиқишида намоён бўлади⁸.

Туркологларнинг тобе қурилмаларни таснифлаш ва белгиларни аниқлаш, тилларга ажратилишга доир қарашларни таҳлил қилиш шундай ҳулосага олиб келадикки, фикрларнинг турли-туман эканлигига қарамай, мазкур муаммага доир назарий баҳолашда (ёки синтаксиснинг фан сифатида ривожланишига ёндашув нуктаи назаридан - қайта баҳолаш) умумий аъ-ана мавжуд бўлиб, қуйидаги принципиал ҳолатларни тавсифлайди:

1) предикатив муносабатни қамраб олган, аммо предикат инфинитив шаклда бўлган (фезл катеориясига оид шаклда бўлган) тобе қурилмалар илгари эргашган гапга сўзсиз тенглашган ёки аксинча, кейинчалик бир қатор олимлар томонидан тўлиқ рад қилинган «гапга ҳос» макоми учинчи гуруҳ олимларнинг фикрича, махсус ўтувчи тилдаги эргашган қўшма гаплар, квази гаплар, алоқанинг синтетик шаклидаги ўзига ҳос эргаш гаплар билан, тарихийлик нуктаи назаридан гаплар - трансформалар билан ва ҳоказо;

2) кўрсатилган қурилмаларнинг тобе гаплар сифатида мавқенининг тасдиқланиши гапнинг структура сифатида ҳосил бўлиш жараёнида унинг етакчилик ролининг тан олинлишига, кесимнинг шаклига қараб эмас, балки қурилмада ҳусусий предикатив муносабатнинг мавжудлигига асосланиш орқали воқеланади;

3) тобе қурилмадаги кесимнинг у ёки бу шакли (туғалланган ёки аксинча, инфинитив шакл – сифатдош, равишдош ёки келишик шаклидаги ҳаракат номин) тобе қурилмада боғловчи элемент роли (боғланиш тармоқлари) учун унинг формал мосланиши (деформация, трансформация) даражаси кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

4) тобе қурилмадаги эганинг шакллари тўғрисидаги фикрларни туғалланган деб ҳисоблаб бўлмайди: дастлаб субъектнинг қараткич келишигида бўлиши қурилмани предикативликдан аниқловчига айлантиради деб тахмин қилишди, аммо бу йўналишдаги тадқиқотчиларга мансуб айрим

қайдларда субъект характери ва қурилма предикативлиги субъектнинг бош келишигида ўзгармаслигига оид фикрлар мавжуд.

Диссертациянинг «Ихборларнинг семантик аспекти» деб номланган иккинчи бобининг «Ихборловчи киемнинг семантик тиллари» деб номланган бўлимида объектив воқеликнинг хабар объектга айланган ҳар қандай вазияти, фикрий ёки ҳиссий ўзлаштириш, баҳолаш ва шу қабилар ихборловчи мазмун бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Шу бонс тобе ихборловчи кием ҳаракат, жараён, ҳолат, сифат, борликда жойланиш ўрни, самарадорлик, натижа ва далиллар мажмуаси ва уларнинг ўзаро алоқаси каби ҳар хил семантик тилларни қамраб олган предикатлардин иборат бўлиши мумкин⁹. Кўрсатилган предикатлар тилларининг хилма-хиллиги, қачонки улар гапнинг мустақил асосий предикатив маркази родини ўйнаса, тобе предикат вазифасида келувчи кичик тиллар икки типга: жараёнли ва далил ҳосил қиладиган предикатлар доирасида бирлаштириш мумкин. *Асадбек қизидан хотиржам эди, ўқини яхши, ҳамма нарсага ақли етади, ақл-идроқи зўр* (Т.Малик. «Шайтанат»); *Ўқингани яхши, одам бўлишди, деб – қўйди Жалил* (Т.Малик. «Шайтанат»).

Ушбу гапда умумбаҳоловчи «яхши» предикати тобе предикат «ўқимоқ» билан қўшилади. Биринчисида тобе синтагма жараёнли аниқлади, иккинчисида далил ҳосил қилувчи маънони; биринчи ҳолатда ҳаракатнинг ўзи баҳоланмоқда, иккинчисида эса ҳаракат далили ижобий баҳоланмоқда ёки биргина ҳаракатга субъектнинг араланиш аспекти бу ҳаракатга малакасиз араланиш унинг мувиқфақиятли-муваффақиятсиз туғаниши олиб келиши ифодаланмоқда. Яъни ким ўқиса, яхши ўқини шарт эмас, аммо уларнинг билимга қизиқиши «одам бўлиши»га хизмат қилишига ишоради.

«Ихборловчи предикатларнинг лексик-семантик гуруҳлари» номи иккинчи бўлимда бундай гуруҳлар ҳаммаси бўлиб олтига эканлиги кўрсатиб ўтилади ҳамда улар қуйидагича таърифлаб берилди:

1) ахборот предикатлари маълумотнинг типик лексик маъносига эга, қандайдир ҳолат тўғрисида маълумот етказиш вазифасини бажаради; бу предикатлар, асосан, семантикасида ахборот узатиш, етказиш семаси мавжуд бўлган *айтмоқ, демоқ, билдирмоқ, даъват этмоқ, хабар бермоқ, маълум қилмоқ* каби лексемалардан ташкил топади.

Айдоқин унга арғумоқлар тиққариб, бетоқат гижингласанини, суворийларнинг елкасидаги ўқ-ёй, найзалар ярқираганини, махсус хизматкорлар-қумчилар қарчигай, лочин каби ўрсатишган ов қумларини қўларига қўндириб олганини айтарди (Х.Султонов. «Бобурийнома»); *Авага, деди прокурор ўйлаиб, устиндан маноят тушишганини билдирмоқчилан* (Т.Малик. «Шайтанат»); *Қишда одам ёллайди. Фарғонадан бола-бақрасини янги далашига даъват этади* (Т.Мурод. «Отамдан қолган далалар»);

2) идрок предикатларида туғалланган предикатлар ҳолатни идрок қилишнинг ҳиссий ёки фикрий умумий семантик белгиларига эга. Идрок термини бу ерда нафақат бевосита кўриш, эшитиш ва шу қабиларнинг ҳиссий

⁷ Поцелуевский А.П. Основы синтаксиса туркменского литературного языка / Поцелуевский А.П. Избранные труды. – Ашгабад, 1975. – С.173.

⁸ Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг субстанционал (тоний) таъкиви. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 52,130.

⁹ Селиверстова О.И. Семантические типы предикатов. – М.: Наука, 1982. – С.151.

актларига эмас, балки хабар олиши, эслаш ва қайта ишланганинг турларини аке эгтирувчи аклий фаолият актлари, шунингдек, эмоционал идрокнинг турли кўринишларини ва у асосида шаклланувчи инсонни ўраб турган олам ҳолатларига эмоционал муносабатни билдирувчи тилларга нисбатан ҳам шартли равишда қўлланилади. Предикатлар лексик семантикасининг идрокнинг у ёки бу томони ифодаланишига боғлиқлигига кўра мазкур гуруҳ бир қатор кичик гуруҳларга бўлинади. Бу предикатлар, асосан, семантикасида идрок қилиш семаси мавжуд бўлган *кўрмоқ, эшитмоқ, сезмоқ, билмоқ, дарак толомоқ, тушуномоқ, англамоқ, сезинмоқ, қувонмоқ, хурсанд бўлмоқ, фахрланоқ, аниқланоқ* каби лексемалардан ташкил топади.

Бобур кириб келганида Нурон кўкалтош хирсоҳда Қаро барлос билан билан сўзлашиб ўтирганини кўрди (Х.Султонов. «Бобурийнома»); *Асаббек шу бир куннинг ўзида негандир жуда эзилб кетганини ўзи ҳам сезди* (Т.Малик. «Шайтанат»); *Кейин Саид қасорвоғнинг сувга чўкиб ўзганини эшиттиди* (Т.Малик. «Шайтанат»).

3) Билим ва тафаккур предикатларига содда ва қўшма феъллар, камдан-кам ҳолларда интеллектуал фаолият доирасидаги турли семантик синфга доир отлар ва сифатлар мансуб бўлиб, фикрлаш жараёни ва унинг натижаси, билим, хотирани ифодалайди. Маълумотларни тўғри маънода қабул қилиш ёки ўзлаштиришда бу предикатлар қачонки фикр ва билим объекти предмет ёки тушунча бўлса, монопредикатив тузилмалар таркибида келади: *Шу китоб ҳақида ўйлаб тураман. Шу китобни биламан*. Аммо бу предикатлар полипредикатив тузилмалар таркибида ихлословчи сифатида келади: *Шу китоб яхши деб (китобнинг яхши эканлигини) ўйлайман (билиман)*.

4) Баҳоловчи-тавсифловчи семантика предикатлари, ўзини ўраб турган воқелик билан муносабатга киришар экан, инсон ўзининг онгида ўз "мен"ни ақратинишга, уни қолган барчасига қарама-қарши қўйишига ва ўз "мен"ни "мен эмас" билан муносабатини ўрнатинишга лаёқатли, муносабатнинг турларидан бири барча лисоний сатҳларда намоён бўлувчи баҳо ифодалаш шакллари дур. Баҳоловчи-тавсифловчи семантика предикатлари ана шундай воқеалардандур. Ихлорланаётган ҳолат бевосита тўлиқ ўз баҳосини олиши (бундай тузилмалар семантикасини ўз баҳолаш деб аташ мумкин) ёки ихлорланаётган қисм субъекти малакаси орқали (бундай тузилмалар семантикасини тавсифловчи деб аташ мумкин) ифодаланишига кўра икки турга ажратини мумкин. Биринчи турдаги тузилма ихлорловчи предикат сифатида умумбаҳоловчи, шунингдек, иккинчи-фақат шахсий-баҳоловчи каби хусусий-баҳоловчи тарзида қўлланиши мумкин. Т.Бушуй ва Ш.Сафаровларнинг фикрича, ташки кўриниши бир хил бўлган сўзларнинг алоҳида маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги ёки йўқлиги умумий маъно хусусияти мавжудлиги мезониди қаралади. Бундай ҳолларда сўзлар (ёки маъно компонентлари) ўртасидаги «семантик масофа»ни қуйидаги формула ёрдамида ўлчаш мумкин: $Sab = 1 - \frac{MaMb}{MaMb}$. * Ушбу

* Бу ерда Sab - а ва b маънолари ўртасидаги «семантик масофа», Ma - а маънонинг бўлакларини тўлиши, Mb - b маънонинг бўлакларини тўлиши, $-$ - тўлишлар кесилиш белгиси (мас қандайдир маъно хусусиятлари мислида), $+$ - тўлишлар бирлиги белгиси (барча маъно бўлакларини тўлиши).

формулага асосан алоҳида маънолар ўртасидаги семантик масофа болдан биргача бўлиши мумкин. Масалан, «кўрмоқ» 1. (кўрин ёрдамида идрок этиш) ва кўрмоқ; 2. (сезиш, англаш) ўртасидаги бундай масофа қуйидагига тенг: а) идрок қилиш - идрок усули; б) кўриниш воситасида; в) тасаввурда; г) идрокнинг натижаллиги. *Германияда ўқингани яхши энг камда дунё кўриб, одам бўлишди, деб ўйларди* (Т.Малик. «Шайтанат»); *Сабонистини ҳозир ўқиб олганини яхши* (Х.Султонов. «Бобурийнома»); *Афсус, булун чан ёнигиз билан турдингизми дейман, Никанор Иванович?* (М.Булгаков. «Усти ва Маргарита»).

5) Турмуш ва намоён бўлиш предикатлари кам сонли сўзлардан ҳосил бўлиб, ўзларида вазифавий жиҳатдан ажралиб қолган шакллари, боғлиқ вазиятдаги воқеликни тасдиқлашда ўзига хос маълумотни полипредикатив тузилмада етказишга лаёқатли бўлади; улар содир бўлаётганларнинг тасодифийлиги («бўлади», «содир бўлади») ва мавжуд ҳолат ёки ҳаракатнинг амалга ошиши ҳақида ҳулоса чиқариши («кўринадик», «афтидан», «назарингизда», «келиб чиқадик», «демак», «балки») ифодалайди. Бу ҳолатларнинг барчаси сўзловчи идрокнинг «призмаси орқали» ўтказилади ва идрок ҳолатининг ноаниқлиги, ҳодисалар сонининг амалга ошиш сонига яқинлиги, унинг сўзловчи учун қутилимаганилиги каби баҳоловчи жиҳатларни қамраб олади. Идрок белгиларига кўра, бундай предикатлар идрок гуруҳлари предикатлари билан, баҳо белгисига кўра, баҳоловчи-тавсифловчи предикатлар билан синонимлашади. *Оламантоҳ... - деди олим қўлини кўксига қўйиб, шоғирдларини тез-тез кўрмасам, ниманидир йўқотгандай бўлман* (Х.Султонов. «Бобурийнома»); *Шундай нимарсалар борки, бизда ул шайнинг номини ҳам билмайдилар* (А.Мухтор).

6) Модал предикатлар. Модал маъноли ихлорли қурилмалар-ўзбек тилида модал маъноларнинг кенг ва кўп қиррали доирасининг бир қисмидур. Шакл нуқтан назаридан мулақо бир хил бўлган модал сўзга қўшлаб қурилмалар турли семантикага эга бўлиб, омоним ҳисобланади. Бу шароитда биринчидан, истақ, имконият, эҳтиёж ва муқаррарлик каби модалликнинг асосий турлари; иккинчидан, полипредикатив характердаги тузилмаларни ва шу қабилар, фақат модал режа алоҳида ҳолатни ифодалаган, тўлдирилган, вазиятга мувофиқ келган, тобе синтагмада берилган ҳоллар билан четарланади. *...фақат энг индан бўладиган бу элик матони шу дароий дўқондагина тўқини мумкин эди* (А.Мухтор); *... йиш чоғда ҳали Қизил тоққа ўрланмаган, Сурхон билан Шаҳрисабз орасидаги йўлар очик, белмазол, хавф-хатарсиз юрини мумкин бўлади* (Т.Мурод. «Отамдан қолган даладар»); *Лектин шу лаҳза, Боғишуми четидаси кўп ҳаватли бастанд бино дарагаларидан бирининг ярим тавақаси секин очилди. Буни ҳеч ким сезмади. Қобуз шомоли ўйнагани, деб ўйлаш ҳам душқин эди* (Мирмуҳсин).

«Ихлорли қурилма қурилишининг структур-грамматик аспектлари» деб номланган учинчи бобнинг «Структур-грамматик жиҳатдан ихлорли қурилмалар синонимияси ҳамда структур-функционал тилларининг умумий тавсифи» деб номланган биринчи бўлимда ихлорловчи предикатнинг лексик-семантик (валентлик) ва грамматик хусусияти,

биринчидан, изҳорланаётган қисмга, шунингдек, мураккаб яхлит структурада унинг семантик-синтактик ролига структур мақом бериши, иккинчидан, чекланган шаклий ва лексик воситалар ҳамда алоқа усулларини белгилаши, сўзловчи ҳар бир аниқ шароитда коммуникатив ва услубий мақбул бўлган усул ҳамда воситаларни тавлаб олиши неботлаб берилган. Жумладан, изҳорловчи қурилма­ларнинг турли кўринишлари ва ҳар хил структур-семантик тишлари лексик, грамматик ва лексик-синтактик модификациялар ҳамда трансформациялар туфайли ҳосил бўлади. Бундай ўзгаришлар уларнинг синтактик синонимия ҳодисасига муносабати нуқтаи назардан турлича баҳола­ниши керак. Бошлангич моделнинг турли модификациялари: грамматик замон категорияси хусусий маънолари, модаллик ва шакл бўйича, семантик-грамматик-модал ва даврий, экспрессив-коммуникатив-ундов, сўрок-таъдик, сўрок-ундов ва ш.к.¹⁰ Агар барча модификациялар изҳорловчи қурилма қисмлари орасидаги алоқа усулларини ва унинг структур компонентларидаги семантик-грамматик мавқени ўзгартирмаса, улар биз томонимиздан бошлангич моделнинг синтактик маънода синонимлари эмас, балки уларнинг турли хил парадигмаларини ҳосил қилувчи лексик-грамматик вариантлари сифатида қараб чиқилади.

Шунингдек, изҳорли қурилманинг нисбатан муҳим бўлган структур-семантик белгиларидан бири унга мувофиқ тақсимланувчи асосий тишлар, тобе синтагманинг вазифавий белгиланиши эканлиги кўрсатилади. Тобе синтагмаларнинг асосий синтагманинг ёки унинг эркин тарқалишининг шартланган структур-грамматик аъҳоси сифатида хизмат қилиш имконияти энг умумий вазифавий мезон бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб изҳорли қурилма­ларни ажратилган ва ажратилмаган тишларга ажратилиши мумкин, буида изҳорли қурилма­нинг ажратилмаган тишида икки хил структура (тузилама) мавжуд бўлади.

Изҳорли қурилма­нинг асосий ва нисбатан оммавий ажратилмаган тиши тобе қисм изҳорловчи предикатнинг лексик ва грамматик хусусиятлари билан – субъект ёки объект актан­ти сифатида зарурий позицияни эгал­тайди. Изҳорли қурилма­нинг бу турини хусусий-изҳорли қурилма­лар деб атаймиз.

Тобе синтагманинг ажратилган қисми қурилма­сида худди ажратилмаган изҳорли қурилма каби структур жиҳатдан зарурий бўлак эмас, балки структур ор­тикча хол билан ифодаланган ёвчи позицияни тўлдир­ади. Биз бундай конструкцияни изҳорловчи-ёйиқ қурилма деб атаймиз.

«Синтетик-объект­ли изҳорли қурилма­ларнинг препозицион-объект­ли изҳорли қурилма­лари ҳамда семантик - грамматик категориял талқини» хусусида сўз юритилган иккинчи қисмда изҳорловчи предикатлар аниқлик майлидаги ўтимли феъл билан ифодаланган бўлса, изҳорловчи қисм тўлалигича семантик объект – хабар предмети, идрок, фикр ва битиш ро­лини ўйнаши очиб берилган. Бинобарин, объект вазифанинг формал етказилиши

тушум келишигидаги тобе қисм предикатини ўз зиммасига олади. Охириги тобе предикат ё от категориясига оид, ёки феъллашган бўлса, у феълнинг номинатив шаклини қабул қилиб, ҳаракат номи (отланган феъл) шаклида бўлиши мумкин. Мазкур тишдаги модель субъектнинг морфологик шакли тобе синтагмалардан фарқ қилувчи бир неча структур схемаларда ифодалан­ади. Жумладан: S1-----S2 (Nom)-----P2(Vnom f OB)-----P1. *Биринчи марта аюви қасақхонадан чиққанида онаси мунгайиб кутиб олганини эслади* (Т.Малик. «Шайтанат»).

Тобе синтагманинг предикативлик характери­ни сақлап аъҳанасини қарама-қарши аъҳаналар мисолларида изҳорловчи объект­ли предикатнинг от турқумига хос хусусиятларининг кучайишида кўрилиши таъъидланади. Бу аъҳана билан боғлиқ грамматик усуллардан бири предикатнинг кўйилиши, феълнинг - иш ёки бошқа отланган шакллари билан ифодаланган предикат ҳисобланади. Бундай ҳолларда структур схемаларда, ўзида бошлангич схемалар ривожини акс эттирувчи қуйидаги схемалар намоён бўлади: (S1 Nom)-----S2-----P2+Kpostp-----P1.S1(Gen)-----S2-----P2+Kpostp-----P1. *Мастара холлага нафақа тайинлаш ҳақида раис билан савлашмоқчи эдиси* (Ж. Шарипов); *Азагелло кибр-ҳаво билан «ҳи» деб пичинг қилди-да, жавоб қайтарди: МАССОЛИТ аъзолари ҳаёти ҳақида анча маълумот борлига ҳақида унинг кўлида етарлича маълумот бор эди* (М.Булгаков. «Уста ва Маргарита»).

Иккинчи гапта **борлиги** шакли – субстантив предикат ва бор қўмакчи билан қўшилган предикатнинг отли характери­ни ишонарин неботлаб беради.

«Препозицион-объект­ли изҳорли қурилма­лар алоқасининг аналитик усуллари ҳамда уларнинг икки томонлама синтактик боғланишлари» номи­ни учинчи бўлимда изҳорловчи бўлак изҳорланувчи ўтимли феълнинг объект­ли валент­лигини тўлдир­иши ва препозицияда - предикатив муносабатларнинг илҳамла­ниши ҳамда ўз субстантив-атрибутив мазмунида синтетик кўрсаткичлар (келишиклар) олиши учун қулай бўлиши, ўз предикатининг финитлиги каби элементар гапнинг номинатив синтагмада трансформацияланмаслиги кўрсатиб ўтилган. ИҚ қисмларининг тобе алоқаси ва мураккаб коммуникатив яхлит­лик таркибидаги бирлиги, аввало, изҳорланувчи қисмнинг структур-семантик етишмовчилиги ҳамда позицияси ва оҳанг туфайли воқеланади. Бинобарин, бундай аниқлашда уни бошқарувчи ёки инфинитив шаклига айлан­тирмасдан, аммо жумланинг бу қисмига коммуникатив тугалланмаганлик ва бош қисм билан синтактик боғлиқлик бўлиб, тобе предикатининг морфологик кўрсаткичлари иштирок этиши мумкин. Одатда, бундай ҳаракат воситалари қуйидагилар: а) тобе предикатда -ми сўрок юқламаси; б) тобе предикатда -дай/-дек ўхшатиш юқламаси; в) -са шарт майли шакли; г) келаси замонда ижобий ёки салбий аспект­даги феълнинг так­рор шакли; д) келаси замон шаклидаги экан¹¹ юқламаси. Бундай тишдаги тузилма­ни «морфологик мўлжалланган» дейиш

¹⁰ Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М., 1962. – С.181-182. Яна қаранг: Бушрой Г.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: тахлил усуллари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.131 -135; Мухомудов Н., Нуримов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Т., 1995. – Б.144-149.

¹¹ Кинчов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960. – С.412; Соколов С.А. Типология словных синтаксических конструкций в тюркском языке. – В кн.: Вопросы тюркской филологии. – М., 1966. – С.151.

мумкин. Уни препозицион тобе қисмга бирикадиган морфологик белгилардан тўлиқ холи бўлган асиндетикдан¹² фарқлаш лозим, бу ҳолда финитли предикатли икки гап яқин бирликда жойлашиши мумкин. Икки тишнинг ҳам тузилиш формуласи бир хил: S2----P2(fin)----S1----P1

Мазкур бўлимда препозицион-объектди ИҚлар ҳам синтетик, ҳам аналитик усуллари билан фарқ қилиши, бу фарқ ИҚнинг иккала қисмда формал-синтактик алоқа тобе қисм предикатининг изҳорлаш семантикаси таянч сўзига қўшилиши йўли билан содир бўлиши кўрсатиб берилган. Материаллар таҳлилида икки томонлама боғланган синтактик алоқали изҳорли қурилмада (аложанинг икки йўли) қачонки предикатдан ташқари яна тобе қисм субъекти бўйсунавчи синтагмага унинг аъзоси, унинг предикатига актант ҳуқуқида бўлса формал бирика олиши аниқланди. Масалан: *Бир йилдан кейин камитри касал деб эшитдим* (Ғ.Ғулом).

Бундай тишдаги жумлаларда ифодаланган структура схемаси қуйидаги кўринишга эга: S2(f S2 + f O1)----P2----K----(S1)P1.

